

“Агробанк” АТБ акциядорларининг  
навбатдаги йиллик умумий  
йиғилишининг 2018 йил  
20 июндаги 36-сонли мажлис  
баённомасига 8 -сонли илова

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг  
умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомига  
кiritилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар матни**

**1.Низомнинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“4.Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда 25 июнда ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида, банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ банкнинг йиллик ҳисоботи, банк Бошқаруви ва Кенгашининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади”;

**2.Низомнинг 7-банди “к” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“к) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш”;

**3.Низомнинг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“11.Ушбу Низомнинг 7-банди “а”, “б”, “в”, “д”, “м”, “р”, “с” ва “т” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади”;

**4.Низомнинг 14-банди қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилсин:**

“Банк акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар бир хил муносабат таъминланади.

Банк акциядорлар умумий йиғилишида қатнашган шахсга ўз хисобидан ўзи тўлдирган бюллетендан нусха олишига имкон беради.

Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар, овоз бериш жараёнида ўз позицияларини шакллантириш мақсадида, акциядорлар келишувини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этилади”;

#### **5. Низомнинг 22-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“22. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда банк Кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли”;

#### **6. Низомнинг 26-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“26. Банк Кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 22 ва 23-бандларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар банк Кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ушбу Низомнинг 22-бандида белгиланган муддатда акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) банкнинг ушбу Низомнинг 22-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу Низомнинг 24-бандида назарда тутилган маълумотлар тулик бўлмаса;

таклифлар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса”;

#### **7. Низомнинг 32-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“32. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин банкнинг

расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади”;

**8. Низомнинг 41-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“41. Банк тафтиш комиссиясининг ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу Низом 34-бандида назарда тутилган миқдордаги банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса”;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса”.